

Ажойиб жой тарихи



15:39 / 27.05.2025 1200

Жиърона — бу ер ўша маконда яшовчи бир аёлнинг исми билан номланган. Бугунги кунда у Сараф водийси бошланишида, Масжидул Ҳаромнинг шарқий-шимолий томонида жойлашган бўлиб, 24 километрдан кейин келади. У билан Макка орасини Маъбад йўли боғлаб туради. У ернинг сувининг ширинлиги зарбулмасал бўлган. Жиъронада яна бир масжид бўлиб, Макка аҳли унга боришади. Икки улуғ масжид ходими томонидан икки миллион риёл сарф қилиниб, мазкур масжидга олиб борадиган 430 метрлик йўл қайта қурилган.

Хуллас, Жиърона тўхталиб ўтиш лозим бўлган жойлардан биридир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбларни Исломга улфат қилиш мақсадида янги мусулмон бўлганларга алоҳида эътибор қилиб, уларни исломга қизиқтириш учун кўп ҳадялар улашиб, ансорийларга ҳеч нарса

бермаганларида уларнинг баъзилари эътироз билдиришди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Эй ансорлар жамоаси, одамлар қўй ва туялар билан қайтиб кетишганида сизлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга қайтиб кетишга рози бўлмайсизларми?» дедилар. Бу гапни эшитган қавмдаги одамлар йиғлайвериб соқоллари ҳўл бўлиб кетди. Шунда улар: «Биз тақсимда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан насибадор бўлишга розимиз», дейишди.

Ўша пайтда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Жиъронада турганларида «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо этинг» ояти нозил бўлди (Бақара сураси, 196-оят).

**«Макка, Каъба, Замзам тарихи, ҳаж ва умра маносиклари»
китобидан.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/ 6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.